

**БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc
27.06.2017.В.39.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БОТАНИКА ИНСТИТУТИ

ШАРИПОВА ВАСИЛА ҚЎЙСИНОВНА

***FERULA* L. (APIACEAE LINDL.) ТУРКУМИ АЙРИМ ТУРЛАРИНИНГ
СТРУКТУРАВИЙ ВА МОСЛАШИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

03.00.05 – Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕ4ФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации
доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of
doctor of philosophy (PhD)**

Шарипова Васи́ла Ку́йсиновна

Ferula L. (*Apiaceae* Lindl.) туркуми айрим турларининг структуравий ва
мослашиш хусусиятлари.....

5

Шарипова Васи́ла Ку́йсиновна

Структурные и адаптивные особенности некоторых видов рода *Ferula*
L. (*Apiaceae*
Lindl.).....

21

Sharipova Vasila Kuysinovna

Structural and adaptive features of some species of the genus *Ferula* L.
(*Apiaceae* Lindl.).....

39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

43

**БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc
27.06.2017.В.39.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БОТАНИКА ИНСТИТУТИ

ШАРИПОВА ВАСИЛА ҚЎЙСИНОВНА

***FERULA* L. (APIACEAE LINDL.) ТУРКУМИ АЙРИМ ТУРЛАРИНИНГ
СТРУКТУРАВИЙ ВА МОСЛАШИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

03.00.05 – Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/B18 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ботаника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.flora_fauna.uz) ҳамда Ziyonet ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бутник Антонина Анатольевна
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Печеницын Владимир Петрович
биология фанлари доктори, профессор

Белолипов Игорь Владимирович
биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Ботаника институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc 27.06.2017.B.39.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «22» декабрь куни соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 32-уй. Ботаника институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 262-37-95, факс (+99871) 262-79-38, E-mail: botany@academy.uz).

Диссертация билан Ботаника институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (22-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 32-уй. Тел.: (+99871) 262-37-95.

Диссертация автореферати 2017 йил «6» декабрь куни тарқатилди.
(2017 йил «6» декабрдаги 7-рақамли реестр баённомаси)

К.Ш. Тожибаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, б.ф.д., профессор

Б.А. Адиллов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, б.ф.н.,
катта илмий ходим

Ф.О. Хасанов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, б.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда инсон касалликларини даволашда қўлланиладиган дори воситалари орасида доривор смола сақловчи ўсимлик препаратларининг камлиги бундай ўсимлик хом ашёлари асосида янги биофаол моддаларни ажратиб олиш ва уларни табиий доривор препаратлари ишлаб чиқишга кенг жалб қилишни белгилаб бермоқда. Доривор смола сақловчи ўсимликларнинг Ер юзида 26 оилада мавжудлиги ва юксак ўсимликларнинг атиги 9% ни ташкил этиши бундай ўсимликларни аниқлаш ва биологик хусусиятларини ўрганишнинг долзарб аҳамиятини кўрсатади.

Жаҳонда фойдали аҳамиятга молик ўсимлик хом ашёларини аниқлаш ва доривор ўсимлик маҳсулотларини стандартлашда уларни вегетатив ҳамда генератив органларининг морфологик ва анатомик тузилишидаги ўзига хос белгилари асосида ташхислашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса смола сақловчи ва терпеноидли ўсимликлар ажратма каналларининг ўсимлик органларидаги эндоген жойлашуви бундай ўсимликлардан иқтисодий тармоқларда фойдаланиш имкониятини олдиндан баҳолашга имкон беради. Бу ўринда, кўп миқдорда доривор смола сақлаши билан ажралиб турувчи *Ferula* L. туркуми турларининг фармацевтика ва озиқ-овқат саноатида қўлланилиш истиқболларининг юқорилиги бу туркум турларининг анатомо-морфологик ўзига хос диагностик белгиларини аниқлаш ва ишлаб чиқаришга жорий этишни талаб этади. Шунга кўра, *Ferula* туркуми турлари органларидаги ажратма каналларнинг тузилиши ва жойлашишини аниқлаш, органларидаги смола миқдорини ўсимликнинг ҳаётий шакли, ажратма каналларнинг сони ва ўлчамига боғлиқ ҳолда асослаш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Республикамиз мустақилликка эришгач, фармацевтика соҳасида кенг қўламли ислохотлар олиб борилиб, айниқса, маҳаллий фармацевтика саноатини ривожлантириш ва маҳаллий доривор ўсимликлар хом ашё базасини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилди. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида муайян ютуқларга, жумладан, алкалоидли, эфир мойли, ошловчи ўсимликларни аниқлаш, улардан биологик фаол моддалар ажратиб олиш ва дори воситалари ишлаб чиқиш борасида муҳим натижаларга эришилди. Шунингдек, смоласида биологик фаол моддалар сақловчи доривор *Ferula* туркуми турларини тарқалиши ва органларида смола ажратувчи каналлари жойлашишини аниқлаш, доривор смола тўплаш муддатларини белгилашга етарлича эътибор қаратилмаган. Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирларида¹ «дори воситаларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, *Ferula* туркуми турли экологик шароитларда тарқалган турлари вегетатив ва генератив органларида смола ажратувчи каналлари жойлашишини асослаш, смоласи таркибини аниқлаш ва ишлаб

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 ноябрдаги ПФ-5229-сон «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони.

чиқаришга жорий этишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрдаги 409-сон «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2911-сон «Республика фармацевтика саноатини жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2017 йил 7 ноябрдаги ПФ-5229-сон «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ариасеае оиласи *Ferula* туркуми турларининг молекуляр биологияси, кимёвий таркиби ва фармакологик хоссаларини хорижлик олимлар М.Р. Kurzyna-Młynik et al. (2008), Р. Zhou et al. (2009), S.R Downie et al. (2010), Z. Elibol et al. (2012), J. Kasaiana et al. (2014), A. Shakeri et al. (2014), Panahi et al. (2015), M.S. Amiri et al. (2016) тадқиқ этишган. МДХ давлатларида *Ferula* туркуми айрим турларининг систематикаси, карпологияси, экологияси ва тарқалиши Е.П. Коровин (1947), М.Г. Пименов, Е.В. Ключков (2002), М.Г. Пименов, Т.А. Остроумова (2012), Л.К. Сафина (2012), L.K. Safina et al. (2015) ва бошқаларнинг ишларида акс эттирилган. Ўзбекистонда олиб борилган тадқиқотлар давомида *Ferula* туркуми турлари ҳақида айрим илмий маълумотлар олинган. Мазкур туркум турларининг биологияси, анатомияси, цитозембриологияси, кимёвий таркиби А.А. Бутник ва б. (2009), М.Х. Богдасарова (1990), С.С. Назруллаев ва б. (2008), Л.Д. Котенко ва б. (2009), Э.Х. Халилова (2013) ишларида қайд этилган.

Ferula турларининг анатомик тузилиши, мослашиш хусусиятларининг яшаш шароитига боғлиқлиги, шунингдек, ажратма каналларини жойлашиши, ундаги смола микдорининг мавсумий динамикасига оид маълумотлар етарли эмас. Шу боисдан, турли шароитда тарқалган турларнинг тузилиши ва мослашиш белгиларини яшаш муҳитига боғлиқ ҳолда ўрганиш; вегетатив ва генератив органларидаги смола микдорини, мавсумий динамикаси, ҳаётий шакли ва анатомик тузилишига боғлиқ ҳолда аниқлаш; камайиб ва йўқолиб бораётган турлар генофондини сақлаб қолиш ҳозирги вақтда долзарб ва илмий-амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ботаника институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф5-ФА-О-13289 «Ўсимликларнинг махсуслашган структуралари ва уларнинг стресс омилларга чидамлилигини ошириш йўллари» (2012-2016) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади *Ferula* туркуми турларининг тузилиши, мослашиш хусусиятлари ва ажратма каналлари жойлашишини ҳаётий шакли ва экологик шароитларига боғлиқ ҳолда аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ferula туркуми турлари барги тузилишини экологик шароитларга боғлиқ ҳолда тавсифлаш, уларнинг ксероморфлик даражасини ва ажратма каналларни жойлашишини аниқлаш;

поя тузилиши белгиларини ҳаётий шакли ва экологиясига боғлиқ ҳолда очиб бериш;

Ferula туркуми турларининг илдиз тизими хусусиятларини яшаш шароитига боғлиқ ҳолда ёритиб бериш;

гул қисмлари ва мевада ажратма каналларнинг жойлашишини ҳаётий шакли ва моно- ҳамда поликарплигига боғлиқ ҳолда аниқлаш;

Ferula турларининг тузилиш белгиларига қараб мезоморфлик ва ксероморфлик даражасини аниқлаш;

F. helenae ва *F. dshizakensis* турларини барг ва мева тузилиши асосида, мустақил тур эканлигини аниқлаштириш;

вегетатив ва генератив органлардаги смола миқдорини аниқлаш;

Ferula туркуми турлари генофондини сақлаб қолиш учун уларни *ex situ* шароитида тирик коллекциясини яратиш;

F. kyzylkumica онтогенезини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти Жануби-ғарбий Қизилқумда ва Нуротаолди қолдиқ тоғлари, Молғузар ва Нурота тизмаларида тарқалган *Ferula* L. туркуми 6 тури ҳисобланади: *F. foetida* (Bunge) Regel; *F. varia* (Schrenk) Trautv.; *F. kyzylkumica* Korovin; *F. helenae* Rakhmankulov et Melibaev; *F. dshizakensis* Korovin ва *F. angreni* Korovin.

Тадқиқотнинг предмети *Ferula* туркуми турларининг морфологияси, анатомияси, онтогенези, ажратма каналлари, мослашиши ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда морфологик, анатомик, фенологик, биометрик, қиёсий таҳлилий, статистик ва биокимёвий тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор *Ferula* туркуми монокарп ва поликарп турлари вегетатив ва генератив органларининг ҳаётий шакли ва яшаш шароитига боғлиқ ҳолда структуравий ва қиёсий тавсифи тузилган;

Ferula туркуми турлари гулининг тузилиши ва гул қисмларида ажратма каналларининг турга хос жойлашиши аниқланган;

барг ва мева тузилиши асосида *F. helenae* ва *F. dshizakensis* турларини мустақил тур эканлиги исботланган;

илк бор *Ferula* туркуми турлари вегетатив ва генератив органларида ажратма каналларнинг тузилиши ва жойлашиши аниқланган;

Ferula турлари органларида смола миқдорини ўсимликнинг ҳаётий шакли, ажратма каналларнинг сони ва ўлчамига боғлиқ ҳолда аниқланган;

Ferula турлари вегетатив ва генератив органларини тузилишига кўра мослашиш даражаси экологик яшаш шароитига боғлиқ ҳолда аниқланган;

Ferula kyzylkumica онтогенези Ботаника боғи шароитида аниқланган ва турни реинтродукция қилиш истиқболлари баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Қизил китобга кирган *Ferula kyzylkumica* турининг муҳофаза чоратадбирлари ва доривор *F. foetida* ва *F. varia* турларини экиб кўпайтириш усуллари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган ва доривор ўсимликлар етиштириш ҳамда қайта ишлаш амалиётига жорий этилган;

Ferula туркуми турларини турли органларида смолаларни спиртли, сувли ва эфирли фракцияларини ажратиб олиш усули ишлаб чиқилган, юқори сифатли ва кўп миқдорда шифобахш смола тўплаш муддатларини аниқланган ҳамда фармацевтика амалиётида фойдаланилган;

Ferula туркуми 6 турининг Тошкент ботаника боғи *ex situ* шароитида тирик коллекцияси яратилган ва Қизил китобга киритилган *Ferula kyzylkumica* турини сақлаб қолиш истиқболлари кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларда қўлланилган усуллар ҳамда илмий ёндошувлар асосида олинган натижаларнинг назарий маъмулотларга мос келиши, натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, олинган хулоса ва қонуниятларнинг асосланганлиги, шунингдек, олинган амалий натижаларининг ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги ва уларни амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти *Ferula* туркуми турларининг вегетатив ва генератив органларини структуравий таҳлил қилиш асосида мослашиш хусусиятларини аниқланганлиги, шунингдек ажратма каналларнинг жойлашиши ва таркиби ҳаётий шакли ва экологик шароитига боғлиқлиги аниқланганлиги, ажратма каналларнинг жойлашиши ўсимликлар хом-ашёсини ва турларни идентификациялашда асос бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти смола сақловчи ўсимликлар ажратма каналларининг мавжудлиги ва ўлчамлари асосида ўсимлик органларида юқори сифатли ва кўп миқдорда доривор смола тўплаш муддатларини аниқлаш, смолаларни турли фракцияларини ажратиб олиш, эндем турларни *ex-situ* шароитида муҳофазалашда хизмат қилиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. *Ferula* туркуми айрим турларининг структуравий ва мослашиш хусусиятларини тадқиқ қилишда олинган натижалар асосида:

Ferula туркуми доривор ва эфир-мойли турларини турли органларидаги смолаларни спиртли, сувли ва эфирли фракцияларини ажратиб олиш усули фармацевтика амалиётига жорий қилинган (Фармацевтика саноати давлат-акциядорлик концернининг 2017 йил 6 ноябрдаги МД-06/3094-сон маълумотномаси). Натижада *Ferula* турлари органларининг юқори сифатли ва кўп миқдорда доривор смола тўплаш муддатларини аниқлаш ҳамда смола олиш имконини берган;

табиий ва интродукция шароитларида *Ferula* туркуми турларининг

уруғларини морфо-анатомик тузилиши, ажратма каналларнинг жойлашиши ва уруғни сақлаш муддати, уруғ унувчанлигига оид маълумотлар «Эндем ва доривор ўсимликларни биотехнологик усулда *in vitro* шароитида сақлашни ишлаб чиқиш» мавзусидаги лойиҳада ўсимлик уруғларини турли шароитларда ундиришда фойдаланилган (Шарқий Қозоғистон давлат университетининг 2017 йил 16 ноябрдаги маълумотномаси). Натижада доривор ва смола сақловчи ўсимлик уруғларини сақлаш ва тиним муддатини аниқлаш орқали уруғ ундириш самарадорлигини ошириш имконини берган;

Ferula туркумининг истиқболли ва «Қизил китоб»га киритилган турларининг структураси, таркибида биологик фаол моддаларни сақловчи ажратма каналларнинг жойлашиши бўйича маълумотлар ФА-Ф7-Т184-сон «Ўзбекистон флораси ўсимликларининг терпеноидлари ва фенол бирикмалари кимёси» фундаментал лойиҳасида ўсимлик органларидан турли биологик фаол моддалар ажратиб олишда ва уларнинг кимёвий таркибини аниқлашда фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 17 ноябрдаги ФТА-02-11/1103-сон маълумотномаси). Натижада ўсимликларнинг махсус ажратма каналларининг жойлашган ўрнини аниқлаш асосида вегетатив ва генератив органларидан доривор смолалар ажратиб олишда диагностик белги сифатида фойдаланиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш нашр этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 100 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «*Ferula* туркуми турларининг биоэкологик хусусиятлари, тадқиқот объектлари ва услублари» деб номланган биринчи бобида *Ferula* туркумининг систематик ўрни, экологияси, морфологияси, анатомик тузилиши ва турларнинг ҳўжаликдаги аҳамиятининг ўрганилганлиги ёритиб берилган.

Туркум вакиллариининг систематик ўрни, морфологияси, анатомияси ва эмбриологияси, экологияси ҳақидаги маълумотлар Е.П. Коровин (1947), М.Г. Пименов, Т.А. Остроумова (2012), Л.К. Сафина (2012), А.А. Бутник ва б. (2009), М.Х. Богдасарова (1990) ишларида келтирилган.

Турларнинг молекуляр биологияси ва кимёвий таркиби бўйича маълумотлар С. Calvino et al. (2008), Kurzyna-Mlynik et al. (2008), С.С. Назруллаев ва б. (2008), Л.Д. Котенко ва б. (2009), Э.Х. Халиловаларнинг (2013) илмий ишларида баён қилинган.

Ferula туркуми бўйича айрим назарий ва амалий маълумотлар мавжудлигига қарамай, *Ferula* турларининг структуравий ва мослашиш хусусиятларини, шунингдек, ажратма каналларнинг ўрнини аниқлаш учун уларнинг морфогенези, вегетатив ва генератив органларининг анатомик тузилиши етарлича ўрганилмаган.

Ушбу бобда тадқиқот материаллари ва услублари келтирилган. Тадқиқот объектлари Жануби-ғарбий Қизилқумда ва Нуротаолди қолдиқ тоғлари, Молғузар ва Нурота тизмаларида ўсувчи, 2 та кенжа туркум ва 2 та секцияга мансуб *Ferula* L. туркуми 6 тури ҳисобланади: 1. *Scorodosma* кенжа туркуми (Bunge) Drude – *F. foetida* (Bunge) Regel, умумий тарқалиши – Ўрта Осиё, Шимолий Афғонистон, Эрон; 2. *Peucedanoides* кенжа туркуми (Boiss.), *Macrorrhiza* секцияси – *F. varia* (Schrenk) Trautv. Ўрта Осиё эндеми; *Xeronarthe* секцияси *F. kyzylkumica* Korovin., Қизилқум қолдиқ тоғлари эндеми; *F. helenae* Rakhmankulov et Melibaev. Нуротаолди қолдиқ тоғлари эндеми; *F. dshizakensis* Korovin ва *F. angreni* Korovin. Ўрта Осиё эндемлари. Лаборатория шароитидаги унувчанлик М.Г. Николаева (1985) услуби бўйича аниқланган. Онтогенез, морфологик тавсиф ва фенологик кузатувлар Т.А. Работнов (1960) ҳамда А.Л. Жукова (1988) услублари асосида амалга оширилган. Эпидерманинг тузилиши С.Ф. Захаревич (1954) бўйича тавсифланган. Илдиз тизимининг типи И.О. Байтулин (2001) услуби бўйича аниқланган. Смола моддалар таркиби М.В. Леонова, Ю.Н. Климочкина (2012) услуби бўйича турли эритувчилар билан ажратиб олиш (экстракция) йўли орқали тарози усули билан ўрганилган. Миқдорий маълумотларни статистик қайта ишлаш Г.Н. Зайцев (1991) бўйича амалга оширилган.

Диссертациянинг «***Ferula* туркуми турлари вегетатив органларининг анатомик тузилиши**» деб номланган иккинчи бобида ассимиляцияловчи ва ўқ органларининг морфологик ва анатомик тузилиши тавсифланган.

Биринчи бўлимда баргнинг морфологик ва анатомик тузилиши намоён қилинган. *Ferula* турларининг барглари пластинкасининг қирқилганлиги, туклилиги ва ҳатто ранги бўйича фарқланади. Умумий олганда мезофилл изолатерал-устунсимон тузилишга эга (*F. angreni* марказий), ҳар бир турда яшаш шароити ва ҳаётий шакли билан боғлиқ диагностик белгилар аниқланган. Барча турларда эпидерма бир қаторли, тўғри, йўғон ташки девордан иборат, *F. varia* ва *F. angreni* да эса ҳужайра деворлари бурмали. *F. dshizakensis* баргининг устунсимон паренхимаси 3 қаторли бўлиб, (қолган турларда 2 қаторли) ва юкори индексли устунсимон паренхимага эга.


Монокарплар баргининг марказида сув паренхимаси йирик ҳужайрали,

поликарпларда эса майда хужайрали. Ажратма каналлар ва бурчаксимон колленхима хужайраларининг гуруҳлари ўтказувчи боғламларнинг ташқи томонида жойлашган (1-расм, а-б). *Xeronarthex* секцияси турларида (*F. kyzylkumica*, *F. helenae*, *F. dshizakensis*, *F. angreni*) ажратма каналлар баргнинг фақат абаксиал томонида жойлашган.

Баргнинг анатомио-морфологик таҳлили натижасида ксероморф белгилар: майда хужайралилик, йўғонлашган ташқи деворлар, устунсимон паренхиманинг юқори индекси чўл поликарпи *F. kyzylkumica* турида устунлик қилиши аниқланган.

F. helenae ва *F. dshizakensis* турлари илгари С.К. Черепанов (1995) томонидан бир турга бирлаштирилган эди. Бироқ *F. helenae* баргининг тузилиши *F. dshizakensis* баргидан: устунсимон хужайралар қаторининг сони, ажратма каналлар, устунсимон паренхима индекси билан фарқ қилади ва бу уларнинг мустақил тур эканлигини тасдиқлайди. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, *Ferula* туркуми барг бандининг анатомик тузилиши *Xeronarthex* секцияси турларининг диагностикасида қўлланилиши мумкин. Таксонларнинг асосий диагностик белгилари барг банди кўндаланг кесмасининг шакли, эпидерма юзасида трихома ва бўртмаларнинг мавжудлиги, колленхима қаторларининг сони, адаксиал бўртмаларнинг ажралиш бурчаги каби белгилар ҳисобланади. *Xeronarthex* секцияси турлари барг бандининг тузилиши бошқа турлардан ажралиб туради ва бу секция вакиллариининг яқин қариндошлилик алоқалари мавжудлигини билдиради.


Бобнинг иккинчи бўлими поя - гулпоянинг морфологик ва анатомик тузилишига бағишланган. Монокарплар гулпоясининг тузилишида (*F. foetida*, *F. varia*) бир қатор диагностик ва мослашув белгилари: баланд йўғон эпидерма ва кўп қаторли пўстлоқ, колленхима мавжудлиги, найларнинг йирик диаметри, юпқа деворли ўзак хужайралари аниқланган, бу бир томондан ксерик яшаш шароити (Қизилқум), бошқа томондан эса вегетация муддатининг анча эрта тугалланишига (май-июн) боғлиқ. Медулляр ўтказувчи боғламлар барча турларда коллатерал ва биколлатерал, *F. varia* да концентрик ҳам мавжуд. Эрта баҳорги тур *F. foetida* да ёғочланиш сезиларли даражада ифодаланмаган, аммо колленхима ривожланган. Поликарпларнинг гулпояси юпқа пўстлоқ, ўтказувчи боғламларнинг ёғочланиши, хужайраларининг майдалиги, паренхима ўзагининг қалин деворлари билан ажралиб туради, бу эса вегетациянинг узок давомийлиги билан боғлиқ ҳолда кичик габитусга ва нисбатан кескин (қурғоқчил) яшаш шароитига эга эканлиги билан изоҳланади. *F. foetida* ва *F. dshizakensis* турлари гулпоясида кўплаб ажратма каналлар қайд қилинди. Ажратма каналлар бўшлиқларининг диаметри *F. varia* ва *F. helenae* турларида йирик бўлиб, вегетатив органларнинг бақувватлилиги ва ҳаётий шакли билан боғлиқ. Гулпоянинг ксероморф белгилари: нисбатан кичик габитус, майда хужайралар, эпидерманинг йўғонлашган ташқи деворлари бошқа поликарпларга нисбатан чўлда ўсувчи тур *F. kyzylkumica* да яққол намоён бўлган.



1-расм. *Ferula* турларининг барг (а-б-в), поя (г) ва илдиз (д) тузилиши.
а-б-в – *F. varia*, г – *F. dshizakensis*, д – *F. helenae*

Бобнинг учинчи бўлимида илдиз морфологияси ва тузилиши тавсифланган. *F. foetida* ва *F. varia* илдизлари шолғомсимон йўғонлашган. *F. angreni*, *F. dshizakensis*, *F. kyzylkumica* ва *F. helenae* илдизлари яққол ифодаланган каудексли цилиндрсимон ва чуқур ўқ илдизли. Пўстлоқ паренхимасида кўп сонли ажратма каналлар жойлашган (1-расм, д). Емирилишга камроқ учраган паренхима хужайралари фақатгина ажратма каналлар атрофида сақланиб қолади. Флоэма кўп қаторли ва юпка деворли. *F. helenae* ва *F. dshizakensis* илдизларининг ксилема қисми ёғочлашган бўлиб, қолган турларда эса паренхима устунлик қилади. Иккиламчи пўстлоқнинг флоэма қисмидаги ажратма каналлари камбий чегарасида, ривожланган ажратма каналлар пўстлоқнинг ички қисмида ва анча йирик қариб бораётган ажратма каналлар эса унинг ташқи қисмида жойлашган. *F. foetida* ва *F. varia* илдизларида полицентрик аномал структура аниқланган: ўтказувчи боғламлар турли йўналишдаги концентрик айланаларда тўпланган, радиал нурлар кенг, баъзи жойларда улар тармоқланиб, эгилади. Ажратма каналлар *F. helenae* ва *F. angreni* турларида нисбатан йирик. Каудекс асосий илдиздан ўзакнинг мавжудлиги ва ажратма каналларининг кичик ўлчамлари билан ажралиб туради. Монокарплар илдизининг йўғонлашиши қисқа муддат ичида қаттиқ поянинг шаклланишида заҳира вазифасини бажаради. Бу эса унинг структуравий хусусиятларини аниқлаб беради: паренхималашиши, *F. helenae* ва *F. dshizakensis* дан фарқли равишда ксилема қисмида либриформ мавжудлиги.

Ferula турлари вегетатив органларнинг фенологик, морфологик ва структуравий белгилари таҳлили ксероморфлик ва мезоморфлик даражасининг устунлик қилиши бўйича 3 та эколого-биологик гуруҳга ажратиш имконини бери (2-расм).



2-расм. *Ferula* турлари вегетатив органларида мезоморф ва ксероморф белгилар (n=26) нисбати:

I – мезоморф гурух; II – ксероморф гурух; III – мезо-ксероморф гурух

Мезоморф белгилар монокарплик ва эрта вегетацияси туфайли *F. foetida* ва *F. varia* турларида устунлик қилади. Ксероморф белгилар *F. helenae* ва *F. dshizakensis* турларига хос бўлиб, поликарплик ва узок вегетацияси туфайли *F. kyzylkumica* турида устунлик қилади. *F. angreni* тури поликарплик ва қулай яшаш шароити туфайли оралиқ мезо-ксероморф ўринни эгаллайди.

Диссертациянинг «*Ferula* туркуми турлари генератив органларининг анатомик тузилиши» деб номланган учинчи бобида генератив органларнинг морфологияси ва анатомик тузилиши тавсифланган. *Ferula* турларининг барчасида гуллар икки жинсли, 5 аъзоли, редукцияга учраган косачабаргли, 5 та тожибаргли, узун чангчи ипида жойлашган, 5 та чангчили ва яримпастки тугунчали (3-расм, а-б). Оталик гуллари кичик ўлчамдаги кучли қисқарган гинецейдан иборат. Нектардонлари флорал типда бўлиб, устунча асосида жойлашган, овал ўйилган диск – стилоподий кўринишида, оталик гулларда нектардонлари камроқ ривожланган. *F. foetida* ажратма каналлари гулнинг дастлабки ривожланиш босқичларида тожибаргларда, тугунча деворининг қуйи қисмида ва уруғчиости дискида жойлашган. *F. varia* ажратма каналлари гул органларида чангдонлардаги микроспорогенез босқичидаёқ – тожибаргларда, чангчи ипларида, тугунча деворларида қайд қилинди. Гулда секретор

тўқималарнинг шаклланиши вегетатив органлар секретор тизимидан алоҳида равишда амалга ошади. Гул органларида ажратма каналларнинг жойлашуви тур учун хос бўлиб, систематик белги бўлиб хизмат қилиши мумкин: *F. foetida* да – фақатгина тожибарглар ва тугунча деворида, аммо мева етилаётган пайтда облитерацияга учрайди; *F. varia* да – тожибарглар, тугунча девори ва чангчи ипларида учрайди. Нисбатан ксерофиллашган тур - *F. kyzylkumica* да ажратма каналлар йирикроқ ва гулнинг барча элементларида учрайди, бу эса уларнинг мослашиш жараёндаги аҳамиятга эгаллигини билдиради.

Бобнинг иккинчи бўлими мева қопламанинг морфологияси ва анатомик тузилишига бағишланган.

Ferula турларининг меваси – яримпастки тугунчали синкарп гинецейдан шаклланувчи, етилишда икки мерикарпийга бўлинувчи ва айрисимон тармоқланган устунда осилиб турувчи осмамева. Мерикарпийлар ипсимон ёки деярли сезилмас елкали ва қанотсимон қиррали, юмалоқ-овал ёки эллипссимон, ясси сиқилган (*F. foetida*, *F. varia*), узунчоқ-овал (*F. kyzylkumica*, *F. helenae*, *F. angreni*), тескари-тухумсимондир (*F. dshizakensis*) (3-расм, в). Перикарпий 3 қаватдан ташкил топган: экзокарпий, мезокарпий ва эндокарпий. Экзокарпий бир қаторли, йўғон ташки деворли хужайралардан иборат. Экзокарпий *F. foetida*, *F. varia* ва *F. dshizakensis* да йирик хужайрали; *F. kyzylkumica*, *F. helenae* ва *F. angreni* да эса майда хужайралидир. Мезокарпий 2 қаватдан ташкил топган: ажратма каналларни ўз ичига олган паренхимали, юпқа деворли ташки қават ва ички қават - склеренхима толалари ва ёриқли тешикчалардан иборат гидроцит хужайралардан ташкил топган гипоэндокарпий. Эндокарпий баъзан бир қаватли спермодерма билан ўсувчи бир қатор хужайралардан иборат. Четки қирраларда асосий массани йўғон деворли склеренхима хужайралари ташкил этади. Ўтказувчи боғламлар ва четки қиррали ажратма каналлар четки қирранинг ҳар икки томонида ҳам жойлашади. Фуникулус йирик ўтказувчи боғламга эга. Устун бўртмаси юмалоқ-учбурчакли бўлиб, спирал йўғонлашган най деворлари, ўтказувчи боғламни ўз ичига олади ва гидроцит хужайралар билан ўралган. Эндосперм яхши ривожланган. *Ferula* турлари мевасининг секретор тизими мураккаб бўлиб, ложбинкасимон, комиссурал ва қиррали каналлардан ташкил топган (жадвал).

Ҳар бир ложбинкада биттадан каналлар мавжуд (3-расм, д). Дорзал томондан комиссурал каналлар ўтади. Четки қирралар шакли ҳар бир тур учун ўзига хос. *F. helenae*, *F. dshizakensis* ва *F. angreni* турлари мевасининг четки қирраларида ҳаво тутувчи бўшлиқ мавжуд бўлиб, бу меванинг учиши ва тарқалишига имкон яратади.

Меванинг тузилиши турларининг алоҳида тур эканлигини тасдиқлайди. *F. helenae* ва *F. dshizakensis* мевасининг тузилишида фарқлар мавжудлиги аниқланди. *F. helenae* нинг мерикарпийси овалсимон, 1000 та уруғ оғирлиги – 21,61 г., четки қирралари қисқа қанотсимон, комиссурал каналлар сони 3-5, меваси ёпишқоқ ва ўзига хос хидга эга, жўяклари қорин томондан елим билан тўлдирилган. *F. dshizakensis* мерикарпийси тескари тухумсимон, 1000 та уруғ оғирлиги 38,95 г., четки қирралари чўзинчоқ қанотсимон, апикал қисмида склереид гуруҳи мавжуд, комиссурал каналлар сони 8-10. Мева тузилиши барг

тузилиши каби *F. helenae* ва *F. dshizakensis* турларининг мустақил тур эканлигини тасдиқлайди.

Жадвал

Ferula турлари мева перикарпийсида ажратма каналлари типлари ва ўлчамлари

Турлар	Ложбинкасимон (ЛАК)			Комиссурал (КАК)			Қиррали (ҚАК)	
	Сони	бўшлиқ диаметри, мкм		Сони	бўшлиқ диаметри, мкм		Сони	бўшлиқ диаметри, мкм
		йирик ўзак	кичик ўзак		йирик ўзак	кичик ўзак		
<i>F. varia</i>	4	453,6±2,66	72,5±0,71	3	212,1±1,03	54,75±0,56	-	-
<i>F. kyzylkumica</i>	4	583,3±2,34	138,9±1,69	8	263,6±1,73	58,8±0,58	3	28,45±0,42
<i>F. helenae</i>	4	598,5±2,72	95,9±1,23	3	663,1±2,52	107,3±1,05	3	32,47±0,29
<i>F. dshizakensis</i>	4	1039,6±4,75	278,6±2,45	8	738,2±2,86	199,75±1,28	3	50,24±0,51
<i>F. angreni</i>	5	604,7±3,01	75,7±1,32	7	425,9±1,59	57,25±0,67	3	31,73±0,29


Шундай қилиб, *F. foetida* перикарпийсининг секретор каналлари мева етилиши жараёнида облитерацияга учрайди. *F. varia* мевасининг перикарпийси 2 тип секретор структурага эга: ложбинкасимон ва комиссурал. *F. kyzylkumica*, *F. helenae*, *F. dshizakensis* ва *F. angreni* мевасининг перикарпийси эса 3 тип: ложбинкасимон, комиссурал ва қиррали ажратма каналларга эга (жадвал).

Ferula туркуми турларининг таксономик ва экологик дифференциацияси секретор тизимнинг хилма-хиллилигида намоён бўлади. *Xeronarthex* секцияси турларида (*F. kyzylkumica*, *F. helenae*, *F. dshizakensis* ва *F. angreni*) ложбинкасимон каналлар анча кенг бўшлиқли ложбинкасимон каналлар ажратма тузилмаси бирмунча мураккаб ва тараққий этган бўлиб, бу ҳол вегетация даврининг анча узоқ давомийлиги ҳамда қурғоқчил шароит билан боғлиқ. Ушбу турларнинг мевалари қурғоқчил даврда (июнь) шаклланади ва меванинг ажратма тузилмаси ультрабинафша нурлардан химоя вазифасини бажариб, қурғоқчиликка чидамлиликини оширади. Бирмунча мураккаб бўлган ажратма тизим таксоннинг анча юқори эволюцион даражасининг кўрсаткичи ҳам ҳисобланади (Денисова, 1989).

Бобнинг учинчи бўлими муртак тузилишига бағишланган.

Соябонгулдошлар муртаги линейар типга мансуб бўлиб, уруғ юқори охирининг ўртасида жойлашган ва мева узунлигига параллел чўзилган. Анча йирик муртакнинг мавжудлиги унинг уруғпалласида захира моддаларнинг йиғилишига имкон яратади, бу эса уруғ унувчанлигини таъминлайди. *Ferula* туркуми барча турларининг муртаги тўғри, 2 пластинкали уруғпаллага, уруғпалла найчаси ва радикулага ажратилган (3-расм, е). Уруғпалла эпидермаси бир қаторли, йирик хужайрали, хужайраларнинг ташки девори йўғонлашган. Мезофилл кучсиз - дорсивентрал, кўндаланг кесимида 9-11 қатор хужайралардан ташкил топган бўлиб, улардан 3 қатори устунсимон, қолганлари эса ғоваксимондир.

Уруғпалла ўтказувчи тизими асосий прокамбиал боғлам ва *F. foetida* ва *F. angreni* да 6 та ён, қолган турларда эса 4 та ён боғламлардан иборат. Асосий ва 2 та ён боғламлар устида 1 тадан ажратма каналлар жойлашган. Уруғпалла найчасида апогей бўйича 10-13 қатор, перигей бўйича эса 8-10 қатор паренхима жойлашган. Прокамбиал боғламлар (уруғпалла излари) битта ажратма канал билан кузатилади (3-расм, ж). Радикула кўндаланг кесимида юмалоқ, ажратма



3-расм. Гул (а-б-в), мева (г, д) ва муртакнинг (е-ж) морфо-анатомик тузилиши:

а – *F. helenae*; б, в – *F. kyzylkumica*; г – *F. angreni*; д – *F. varia*; е – *F. dshizakensis*; ж – *F. foetida*


каналларсиз. Уруғпалла ва уруғпалла найида ажратма каналлар йирик бўшлиққа эга бўлиб, эпителиал ҳужайралар билан ўралган. *F. foetida* нинг муртак ва уруғпалласи йирикроқ бўлиб, *F. varia* да эса кичик. Ажратма каналлар сони *F. foetida* уруғпалласида устунлик қилади. *F. angreni* да ажратма каналлари эпителиал ҳужайраларнинг бўшлиқ диаметри, баландлиги ва эни йирикроқ. Муртакнинг уруғ ўлчамига нисбати *F. kyzylkumica* да устунлик қилиб (46,6 %), бу унинг ривожланиш кўрсаткичи ҳисобланади. *F. varia* да эса минимал (20,1 %) ҳисобланади.

Диссертациянинг тўртинчи боби «*Ferula* туркуми турлари органларида смолали моддаларнинг сақланиши» га бағишланган.

Смолаларнинг умумий хоссаси уларнинг ўсимликлар ҳаётчанлигини ошириш қобилятига эга эканлиги ҳисобланади. *F. foetida* смолалари – булар камедлар-смолалар, яъни смолалар билан бир қаторда олинувчи моддаларнинг асосий қисми – юқори молекуляр сувда эрувчан полисахаридлар – камедларнинг мажмуасидир. Камедлар бўртиб чиқиш қобиляти туфайли намгарчиликни сақлаб қолишни таъминлайди. Смолали моддаларнинг ички ҳужайравий секрецияси *Ferula* ҳаётчанлигининг зарурий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ажратма каналлар ўсимликнинг барча органларида учраши уларнинг кўплаб моддалар алмашинув жараёнларида муҳим аҳамиятга эгаилигидан

далолат беради. Максимум смола моддалари *F. foetida* поясининг эфирли фракциясида – 4,13%, шунингдек, барги – 12,24% ва мевасида - 9,59%, илдизида - 20,4% учрайди. *F. varia* да смола моддалари кўп миқдорда баргида – 19,20%, гулпояда – 12,65% ва илдизда – 22,6% ни ташкил қилади. Гул ва мевада деярли тенг миқдорда – 9,69% ва 9,37% (4- расм).



4-расм. *Ferula* турлари органларида смола моддаларининг сақланиши

F. kyzylkumica баргида – 6,85% смола моддалари, мевасида – 16,97%, гулпоясида – 4,66% ва илдизда – 10,8% моддалар мавжуд бўлиб, уларнинг асосий қисми спиртда эрувчан моддалар ва кичик қисми эса эфирда эрувчан моддаларга тегишлидир (3-расм). *F. helenae* ва *F. dshizakensis* турлари поясида смола моддаларининг миқдори бир-бирига ўхшаш: -7,93 % ва -7,68%, *F. angreni* -5,93%. *F. helenae* баргида 7,71% смола моддалари мавжуд, *F. angreni* ва *F. dshizakensis* турларида бир-бирига ўхшаш – 8,55% ва – 8,89%. Смола моддаларининг кўп миқдори меваларда аниқланган – *F. helenae* да – 12,92; *F. dshizakensis* да – 13,9; *F. angreni* – 13,74%.

Шундай қилиб, экстрактив моддалар миқдорини аниқлаш натижасида смола моддалари асосан *F. varia* нинг (ажратма каналларнинг йирик диаметри билан коррелятив боғлиқ ҳолда) вегетатив органларида (барг ва поя), *F. kyzylkumica*, *F. dshizakensis* ва *F. angreni* турларининг меваларида (мевадаги ажратма каналларнинг йирик диаметри билан коррелятив боғлиқ ҳолда) устунлик қилиши аниқланди.

Поликарп *F. kyzylkumica* да кулнинг миқдори юқори бўлиб, бу унинг майда хужайралилигига ва хужайра пўстининг қалинлигига боғлиқ.

Диссертациянинг бешинчи боби **«*Ferula kyzylkumica* онтогенезини интродукция шароитида ўрганиш»** деб номланади. Эндем ва Қизил китобга киритилган *Ferula kyzylkumica* турини онтогенези ва ёш давларини Ботаника боғи шароитида ўрганишда биз Т.А. Работнов (1950) томонидан тавсия қилинган ва Л.А. Жукова (1988) томонидан тўлдирилган кўп йиллик ўсимликлар ёш давлари схемасидан фойдаландик.

Латент даври. *F. kyzylkumica* нинг меваси – етилиш пайтида икки мерикарпийга ажралувчи ва вилкасимон шохланган колонкада осилиб турувчи осамева. 1000 та уруғ оғирлиги – 19,20 г. *F. kyzylkumica* тури уруғлари совук стратификацияга муҳтож (Николаева, 1985), шу боис экиш куз фаслининг охирида ўтказилиши мақсадга мувофиқ. А.А. Бутник ва бошқ. (2015) ўсиш режими микростенотермлиги, тиним даври қисқалиги ва мезобиотиклиги аниқланган.

Виргинил даври. Ниҳол босқичи. Ниҳол – бу ўсимликнинг ўсиш давридан бошлаб новдалар ўсишни бошлагунча бўлган давр, яъни куртақдан биринчи барглар пайдо бўлгунча ўтадиган давр ҳисобланади. Экиш декабр ойининг бошларида ўтказилган. Қиш даврида уруғлар тупроқда табиий стратификацияни ўтказади. Майсалар март ойининг иккинчи декадасида ҳосил бўлган, ялпи ўсиши март ойининг охири апрел ойининг бошларида кузатилган. *F. kyzylkumica* учун ўсишнинг ер устки гипокотилар типи хос. Уруғпаллалар тупроқ юзасида март ойининг охири ва апрел ойининг бошларида кўрина бошлайди.

Ювенил босқич – 5-7 кундан сўнг майсалар пайдо бўла бошлагач устки куртақдан биринчи оддий патсимон бўлинган барг пайдо бўлади. Иккинчи барг эса орадан 7-9 кун ўтгач пайдо бўлади. Биринчи барглар июн ойининг охирида қуриydi. Ер устки қисми синишни бошлайди ва остки қисми барг банд билан бирга куртақни қоплаб турувчи ғилоф кўринишида сақланиб қолади. А.А. Бутник ва бошқ. (2009) маълумотига кўра Қизилқумда тиним даври апрел ойининг охиридан бошланади.

Виргинил даври – габитуси ва ташқи кўриниши бўйича генератив даврдаги ўсимликка ўхшайди, бироқ генератив органлари бўлмайди, яъни етук вегетатив ўсимлик. Вегетациянинг иккинчи йили ўсимликнинг ер устки ва ер остки тузилиши мураккаблашади. Вегетация қисқарган ер остки новданинг моноподиал ўсишини давом этиши ҳисобига феврал ойининг иккинчи декадасида бошланган. Новдалар 3 та фазали цикл бўйича ривожланади: куртақ – тўпбаргсимон новда – ортотроп новда. Апрель ойининг иккинчи декадасида ўсимликнинг умумий баландлиги 30-35 см ни, барг пластинкасининг узунлиги 35-40 мм ни, кенглиги 20-25 мм ни, барг банди эса 45-50 мм ни ташкил этди. Баргларнинг nobуд бўлиши вегетациянинг иккинчи йили 10-15 кун эрта яъни июн ойининг иккинчи декадасида кузатилди.

Генератив давр – ўсимлик вегетацияси учинчи йили феврал ойининг иккинчи декадасида бошланди, унда 3 та барг ва бўлажак генератив новданинг куртаги ҳосил бўлди. Барглар ўсишдан тўхтагандан сўнг генератив новда

узунлашади, поя баргларининг қини йирик «яшил ғунчалар» ҳосил қилиб гулбандни мустаҳкам ўраб олади ва у генератив новда билан бирга катталашиб бораверади. Май ойининг охири – июн ойининг бошларида генратив новданинг баландлиги 40-45 см га етади, жадал ўсаётган соябон ва соябончалар сийраклашади ва айрим соябонлар қиндан чиқади. Новданинг ўсиши июл ойининг ўрталарида секинлашади ва гуллаш даврига келиб ўсишдан тўхтайди. *F. kyzylkumica* нинг онтогенези ривожланишнинг имматур босқичи йўқлиги билан характерланади.

Шундай қилиб, Ботаника боғи шароитида *F. kyzylkumica* онтогенезининг мевалаш ва ўзи табиий кўпайиши билан тугалланувчи тўлиқ циклини босиб ўтади, бу эса турли экологик шароитларда интродукция имкониятининг яхши кўрсаткичи ҳисобланади, яъни турнинг кенг экологик амплитудага эгалигини билдиради. *Ferula* туркуми ўрганилган 6 турининг генофондини сақлаб қолиш учун Ботаника боғида тирик коллекция яратилган.

ХУЛОСАЛАР

«*Ferula* L. (Apiaceae Lindl.) туркуми айрим турларининг структуравий ва мослашув хусусиятлари» мавзусидаги докторлик диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. *Ferula* туркуми ўрганилган турларининг барг мезофилли изолатерал-устунсимон типда, *F. angreni* эса марказий типда. Баргнинг ксероморф белгилари *F. kyzylkumica*, *F. helenae*, *F. dshizakensis* ва *F. angreni* турларида устунлик қилади, бу узоқ давом этувчи вегетация ва янада юқори даражадаги инсоляция билан боғлиқ. Барг бўлмасидаги ажратма каналлар бўшлиқларининг миқдори ва диаметри баргнинг йириклиги ҳамда ҳаётий шаклига ўзаро боғлиқ (*F. foetida* ва *F. varia*).

2. *Ferula* турлари поясининг ўқи коллатерал, биколлатерал ва концентрик типли ўтказувчи боғламларнинг полицентрик структурасига эга. Ксероморф белгилар *F. kyzylkumica* турида устунлик қилади: эпидерма девори қалин, ҳужайралар майда, колленхима мавжуд, склерификация ривожланган.

3. *Ferula* турлари илдиз тизимининг типи унинг ҳаётий шакли ва яшаш муҳити билан боғлиқ. Чўл монокарплари (*F. foetida* ва *F. varia*) илдизининг морфологик типи шолғомсимон йўғонлашган. *F. kyzylkumica*, *F. helenae*, *F. dshizakensis* ва *F. angreni* ларда илдиз яққол ифодаланган каудексга эга чуқур ўқ илдизли. Ажратма каналлар бўшлиқларининг миқдори ва диаметри турга хос ва диагностик белги ҳисобланади.

4. Гул қисмларида ажратма каналлар жойлашуви турга хос бўлиб: *F. foetida* – тожибаргларда ва тугунча деворида, *F. varia* – тожибаргларда, тугунча деворида ва чангчи ипида, *F. kyzylkumica* – тожибаргларда, тугунча деворида, чангчи ипида ҳамда чангдон боғловчисида жойлашади.

5. *F. foetida* меваси етилиш пайтида перикарпийдаги ажратма каналлар облитерацияга учрайди. *F. varia* перикарпийсида икки типдаги – ложбинкасимон ва комиссурал, *F. kyzylkumica*, *F. helenae*, *F. dshizakensis* ва *F. angreni* да уч типдаги – ложбинкасимон, комиссурал ва қиррали ажратма каналлар

учрайди, бу эса уларнинг ксероморфлилик кўрсаткичи ва вегетациянинг узок давомийлигига боғлиқ.

6. Мева ва баргнинг анатомик кўрсаткичлари *F. helenae* ва *F. dshizakensis* турларининг мустақил эканлигини исботлайди.

7. *Ferula* туркуми 6 турининг вегетатив органлари морфологик ва структуравий белгилар таҳлили фенологияси ксероморфлик ва мезоморфлик даражаси бўйича 3 эколого-биологик гуруҳларга ажратиш имконини берди.

8. Смола моддалари *Ferula* турларининг барча органларида мавжуд, бироқ монокарпларда ушбу моддалар илдизда устунлик қилиб, поликарпларда мевада устунлик қилиши ҳаётий шакли билан боғлиқ.

9. *Ferula* туркуми 6 турининг геонофондини сақлаб қолиш учун Тошкент ботаника боғида *ex situ* шароитида коллекцияси яратилган. Поликарп *F. kyzylkumica* ўзидан тўкилган уруғларидан кўпайиши орқали онтогенезнинг тўлиқ даврини ўтказди, бу эса турнинг кенг экологик амплитудага ва реинтродукция имкониятига эга эканлигини кўрсатади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 27.06.2017.В.39.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ БОТАНИКИ И
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

ИНСТИТУТ БОТАНИКИ

ШАРИПОВА ВАСИЛА КУЙСИНОВНА

**СТРУКТУРНЫЕ И АДАПТИВНЫЕ ОСОБЕННОСТИ НЕКОТОРЫХ
ВИДОВ РОДА *FERULA* L. (APIACEAE LINDL.)**

03.00.05 – Ботаника

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2017

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.1.PhD/B18.

Диссертация выполнена в Институте ботаники.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.flora_fauna.uz) в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Бутник Антонина Анатольевна
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Печеницын Владимир Петрович
доктор биологических наук, профессор

Белолипов Игорь Владимирович
доктор биологических наук, профессор

Ведущая организация:

**Ташкентский государственный
педагогический университет**

Защита диссертации состоится «22» декабря 2017 года в 13⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc 27.06.2017.B.39.01 при Институте ботаники и Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Дурмон йули, дом 32. Актовый зал Института ботаники. Тел.: (+99871) 262-37-95, факс (+99871) 262-79-38, e-mail: botany@academy.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института ботаники (зарегистрировано за № 22). Адрес: 100125, г.Ташкент, ул. Дурмон йули, дом 32. Тел.: (+99871) 282-37-95.

Автореферат диссертации разослан «6» декабря 2017 года.
(реестр протокола рассылки №7 от «6» декабря 2017 года)

К.Ш. Тожибаев
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.б.н., профессор

Б.А. Адилев
Ученый секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней,
к.б.н., старший научный
сотрудник

Ф.О. Хасанов
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
учёных степеней, д.б.н.,
профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире малочисленность растительных содержащих лекарственной смолы препаратов среди лекарственных средств, применяемых при лечении заболеваний человека, определяет широкое привлечение, на основе такого растительного сырья, выделение новых биоактивных веществ и разработка их естественных лекарственных препаратов. Наличие содержащих лекарственной смолы растений на Земле в 26 семействах и составление их всего 9% высших растений указывает на актуальное значение определения таких растений и изучения биологических особенностей.

В мире в определении растительного сырья с полезным значением и стандартизации лекарственных растительных продуктов особое внимание уделяется на диагностику на основе характерных в морфологическом и анатомическом строении признаков вегетативных и генеративных органов. Особенно, эндогенная локализация секреторных вместилищ в растительных органах терпеноидных и содержащих смолы растений позволяет предварительной оценки возможности использования таких растений в экономических отраслях. В этом отношении, высокая перспективность применения в фармацевтической и продовольственной промышленности видов рода *Ferula*, отличающихся содержанием большого количества лекарственной смолы требует определение и внедрение в производство характерных анатомо-морфологических диагностических признаков видов данного рода. В связи с этим, выявление локализации и структуры секреторных вместилищ и обоснование содержание смолы в связи с жизненной формой, количеством и размером секреторных вместилищ видов рода *Ferula* имеет важное научно-практическое значение.

С обретением независимости нашей республики, проведены широкомасштабные реформы в отрасли фармацевтики, особенно, большое внимание уделялось на развитие местной фармацевтической промышленности и укрепление местной лекарственно растительной сырьевой базы. На основе программных мер, осуществленных в данном направлении, достигнуты значительные результаты, в том числе, по определению алкалоидных, эфирно-масличных и дубильных растений, выделению из них биологически активных веществ и по разработке лекарственных средств. Однако, на распространение лекарственных видов рода *Ferula*, содержащих в составе смолы биологически активных веществ, выявление локализации секреторных смолы вместилищ и определение периодов накопления лекарственной смолы не уделялось достаточное внимание. В мероприятиях усовершенствования о мерах по кардинальному совершенствованию системы управления фармацевтической отраслью¹ отмечены задачи «разработка рекомендаций по местному воспроизводству лекарственных средств». Исходя из этих задач, организовать

¹ Указ Президента Республики Узбекистан УП-5229 «О мерах по кардинальному совершенствованию системы управления фармацевтической отраслью» от 7 ноября 2017 года.

научно-исследовательские работы, направленные на обоснование локализации секреторных смолы вместилищ в вегетативных и генеративных органах видов, распространенных в разных экологических условиях рода *Ferula*, выявление состава смолы и внедрение в производство имеет важное значение.

Данное диссертационное исследование в значительной степени служит выполнению задач предусмотренных Законом Республики Узбекистан №409 «Об охране и использовании растительного мира» от 21 сентября 2016 года, Постановлением Президента Республики Узбекистан ПП-2911 «О мероприятиях создания благоприятных условий для интенсивного развития фармацевтической промышленности республики» от 20 апреля 2017 года, Указом Президента Республики Узбекистан УП-5229 «О мерах по кардинальному совершенствованию системы управления фармацевтической отраслью» от 7 ноября 2017 года, а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

